


Ширинбоев Д. Нормуротова И., Абдирахмонов С.

Самарқанд давлат университети

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ СУВ РЕСУРСЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МУАММОЛАРИ

Арид иқлим шароитида дарё ва сойлар сувидан самарали фойдаланиш мақсадида қурилган сув омборлари сув ресурсларидан қишлоқ хўжалиги ерларини суғоришдан ташқари улардан халқ хўжалигининг бошқа соҳалари, энергетика, рекреация ва балиқчилик хўжаликларида ҳам фойдаланиш асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Қурғоқчил ҳудудлардан ҳисобланган Қашқадарё вилояти мисолида бу масалаларни ҳал этиш катта илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ёғинлар миқдори шу жойнинг географик ўрни, ҳаво циркуляциясининг хусусиятлари ва рельефига кўп жиҳатдан боғлиқ. Ҳудудда энг кам ёғин миқдори текислик қисмига, яъни Қарши чўлига тўғри келади. Ғарбдан-шарққа томон баландликнинг ортиб бориши билан йиллик ёғинларнинг миқдори ҳам сезиларли даражада орта бошлайди. Воҳада ёғинлар йил давомида ниҳоятда нотеkis тақсимланган. Вилоятнинг тоғли ва тоғ олди минтақаларида ёғиннинг 45 – 50 % баҳорга, 37 – 40 % қишга, 10 -15 % кузга ва атиги 2-3 % ёз ойларига тўғри келади (1-расм).



Дарё оқимининг йил ичида тақсимланиши

Қашқадарё вилоятининг асосий дарё тармоғи Қашқадарё ҳисобланади. Унинг узунлиги 378 км, сув йиғиш майдони 12000 км² га тенг. Тоғлардан чиқиши билан Варганза қишлоғи ёнида дарё кенг водий ҳосил қилади ва шу ердан бошлаб дарёга ўзидан ҳам серсув бўлган бир қанча ирмоқлар келиб қўшилади. Қашқадарёнинг энг йирик ирмоғи Жиннидарёдир. Чироқчи шаҳридан дарё оқими бўйлаб 18 км юқорида унга энг серсув ирмоқларидан Оқдарё, ундан кейин Танхоздарё келиб қўшилади. Серсувлиги жиҳатдан иккинчи ирмоқ ҳисобланган Яккабоғдарё Қашқадарёга тўғридан-тўғри келиб қуйилмайди. Ўрадарё ва Кичикўрадарёнинг қўшилишидан ҳосил бўладиган Ғузордарё Қашқадарёнинг охириги чап ирмоғи ҳисобланади. Яккабоғдарё ва Ғузордарёлар оралиғида Гулдара ва Лангар дарёлари жойлашган. Вилоят ҳудудида вужудга келган оқимнинг ўртача кўп йиллик миқдори 1,28 км³ ни ташкил этади. Қашқадарё вилояти сув ресурсларининг асосий манбаларидан бири бўлган ер усти сувлари (дарё), вилоятнинг ер ости сувлари ҳудудий жиҳатдан жуда нотекис тақсимланган.

Тўйиниш хусусиятларига кўра қор-музлик суви билан тўйинадиган Яккабоғдарё, Оқдарё ва Танхоздарёда тўлин сув даври ҳавзанинг бошқа дарёларига нисбатан энг кеч кузатилади, айти пайтда бу дарёлар ҳавзанинг энг серсув дарёлари ҳисобланади. Бу дарёларда оқимнинг йил ичида тақсимланиши жуда нотекис бўлаб, энг кўп ўртача ойлик сув сарфлари асосан июн ойига, энг кам сув сарфлари эса декабр-январ ойларига тўғри келади.

Шунингдек, дарёларнинг сув режими ҳам қишлоқ хўжалик экинларини суғориш мавсумига мос келмайди. Шу сабабли оқимни тартибга солиб туриш ва вегетация даврида суғориш учун сув ҳажми 2,5 млрд.м³ дан, фойдали сув ҳажми эса 2,3 млрд.м³дан ортиқроқ бўлган 14 та сув омбори қурилган. Қашқадарё вилоятида маҳаллий сув ресурслари сувга бўлган эҳтиёжнинг атига 20 фоизга яқинини қондиради. Шу сабабли сувга бўлган эҳтиёжнинг катта қисми қўшни ҳавзаларнинг сув ресурслари ҳисобига қондирилади.

Суғориладиган ерларнинг кенгайиб бориши билан мамлакатимизда сув

ресурслари муаммоси тобора долзарб тус олмоқда. Бунинг оқибатида сув кам бўлган ерларда қишлоқ хўжалигининг суғориладиган майдонларини сув билан таъминлашда анчагина қийинчиликлар юзага келмоқда. Натижада, мавжуд сув ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш биринчи даражали аҳамият касб этади.

Суғорма деҳқончиликни ривожлантириш мақсадида кўплаб сув омборлари, сув тақсимлаш иншоотлари ва каналлар қурилган. Суғориладиган ерлар сув ресурсларига нисбатан анча кўпдир. Айни вақтда, ер ресурслари эмас, балки сув ресурслари суғориш имкониятларининг кўламини белгилайди.

Қашқадарё вилояти ҳудуди ички сув манбалари билан тўлиқ таъминланмаган. Айниқса 1960-йиллардан кейин суғориладиган ерларнинг деҳқончилик учун кенгайтирилиши яъни кўплаб қўриқ ва бўз ерларнинг ўзлаштириш лойиҳаларининг ишлаб чиқилиши, янги сув манбаларини қуриш мумкин бўлган ҳудудларни қидириб топиш заруриятини юзага келтирди. сув Қашқадарё дарёсининг ўрта оқимида воҳадаги дастлабки Чимқўрғон сув омбори қурилган бўлиб, унинг қурилиши икки босқичда олиб борилган. Биринчи босқичи 1957-1960-йилгача бўлган даврни ўз ичига олиб, умумий сув сиғими 80 млн м³ бўлган. 1960-1963 йиллар давомида иккинчи босқич яқунланиб, 44,4 км² майдонни эга бўлган Чимқўрғон сув омбори тўлиқ қувват билан ишлай бошлаган. 1967-1987-йиллар давомида ҳудуд ички сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида катта-кичик сув омборлари бунёд этилган. Кейинчалик қурилган Ҳисорак, Деҳқонобод ва Қамаши сув омборлари майдони жиҳатидан энг кичик ҳисобланади (1-жадвал).

1-жадвал

Қашқадарё воҳасида жойлашган кичик сув омборлар ва селҳоналар ҳақида қисқача маълумот

N	Номланиши	Дарё	Жойлаш ган ўрни	Қурил ган йили	Умумий ҳажми, млн.м ³	Фойдали қисми, млн м ³	Сув юзаси майдони, км ²
1	Ҳисорак	Оқдарё	Шаҳрисабз	1987	170,0	155,0	4,2
2	Деҳқонобод	Кичикурадарё	Деҳқонобод	1982	27,0	18,4	4,1
3	Қамаши	Шурчасой	Қамаши	1972	25,0	23,8	3,0
4	Қалқамасой	Қумдарё	Чирокчи	1987	9,4	9,3	1,5

5	Қорабоғ	Қорабодарё	Яккабоғ	1977	7,5	7,1	0,8
6	Тошлоқсой	Танхаздарё	Шаҳрисабз	1981	7,0	6,7	5,4
7	Лангар	Лангар	Қамаши	1974	7,3	7,0	2,5
8	Қизилсув	Қизилдарё	Яккабоғ	1982	6,5	6,0	2,2
9	Янгиқурон	Яккабоғдарё	Яккабоғ	1975	3,3	3,0	1,5
10	Нугалсой	Яккабоғдарё	Яккабоғ	1976	3,0	2,5	0,58
11	Шурабсой	Шурамсой	Китоб	1977	2,0	1,8	0,88
12	Торқоқчоай	Қапчиай	Дехқонобод	1987	1,25	1,1	0,69

Сув омборлар халқ хўжалигининг бир қанча йўналишларини эътиборга олган ҳолда бунёд этилади. Айниқса, арид минтақадаги ҳудудларда ташкил этилаётган сув омборлар асосан, қишлоқ хўжалиги, саноат ва аҳолини сув билан таъминлаш мақсадида қурилади. Жумладан, сув омборларнинг хушманзара қирғоқларида аҳолининг маданий ҳордиқ чиқариб дам олиши учун дам олиш уйлари, оромгоҳлар ва туристик масканлар ташкил этиш билан бир қаторда балиқчилик хўжаликларини ҳам ташкил этиш мумкин. Балиқчилик сув омборини ўсимликлар билан қопланиш жараёнини камайтириб, аҳолини балиқ гўштига бўлган талабини қондиради.

Толимаржон сув омбори-ГРЭСин сувга бўлган талабини қондириш ва суғориладиган ерларни мунтазам сув билан таъминлаш, чўлда ташкил қилинган аҳоли пунктларига сув етказиб бериш мақсадида Алауддин қолдиқ тоғ олди ботиғида бунёд этилди. Бу сув омбор Қарши чўлини ўзлаштиришнинг бош лойиҳасига асосланган ҳолда 1986 йилда қурилиб тўлиқ қувват билан ишга туширилди. Қарши чўли ҳудудида ташкил этилган қишлоқ хўжалик экин майдонларини сув билан таъминлашда Толимаржон сув омбори бошқа сув манбааларига нисбатан муҳим ўринни эгаллайди. Бундан ташқари, ўзлаштирилган майдонларда пахта билан бир қаторда донли экинлар, сабзавот ва полиз экинлари ҳам кенг кўламда етиштирилиб келинмоқда.

Шу билан биргаликда воҳада жойлашган Толимаржон, Чимқўрон, Пачкамар, Ҳисорак сув омборлари ҳудудида рекреацион имкониятлар мавжуд ва улардан самарали фойдаланиш лозим. Сув омборларда сув ресурсларини муҳофаза қилишда бир-бири билан бевосита боғлиқ бўлган сувнинг миқдорий ва сифат жиҳатдан ўзгаришига алоҳида эътибор бериш

керак. Сувнинг кескин камайиб кетиши сув сатҳининг ёмонлашишига олиб келса, сувларнинг ифлосланиши ўз навбатида сувдан фойдаланиш учун сарфланадиган реал сув миқдорининг камайишига олиб келади.

Шунинг учун ҳам сув сатҳининг кескин камайиши билан боғлиқ бўлган сув ресурсларини муҳофаза қилиш бўйича олиб бориладиган тадбирлар **қишлоқ** хўжалигини ва саноат тармоқларини сувга бўлган эҳтиёжини қондириш учун кам сув сарфлайдиган янги технологияларни жорий этиш, айланма сув таъминотини яратиш, ер остига сизаётган сув миқдорини камайтириш, буғланишини камайтириш мақсадида ўрмон ҳимоя полосаларини ташкил қилиш, ҳамда саёз сув майдонларини камайтириш каби тадбирларни амалга ошириш зарур.

Хулоса ўрнида шуни такидлаш жоизки сув омборлардаги сув ресурсларини ифлосланишдан сақлаш, унинг сув йиғиш ҳавзасида олиб борилаётган тадбирлар мажмуи билан белгиланади. Сув омбори сувини ифлосланишдан сақлаш учун коммунал хўжалик, қишлоқ хўжалиги ва транспортдан чиққан оқава сувлардан муҳофаза қилиш лозим.

Сувни муҳофаза қилишда, саноатни чиқиндисиз технологияга ўтказиш, қишлоқ хўжалигида ўғитларни сақлаш ва уларни ишлатишни қисқартириш, ҳамда уларнинг ўрнига сувни механик, химик ва биологик тозалаш усуллари қўллаш яхши самара беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бекмамадова Г.А., Юнусов Ғ.Х. Қашқадарё вилояти сув ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш / “География; тарих, назария, методлар, амалиёт”. Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2010.-Б. 241-243.
2. Никитин А.М. Водохранилища Средней Азии. – Л.: Гидрометеоиздат, 1991. – 165 с.
3. Расулов А.Р., Ҳикматов Ф.Ҳ., Айтбоев Д.П. Гидрология асослари. Тошкент: Университет, 2003. 327.Б.
4. Чуб В.Е. Изменение климата и его влияние на природно-ресурсный потенциал Республики Узбекистан. – Ташкент: САНИГМИ, 2000. – 252 с.
5. Юнусов Ғ.Х. Қашқадарё ҳавзасида сув захираларидан самарали фойдаланиш муаммолари // Илмий мақолалар тўплами.–Тошкент: 1997.– Б.62- 64.